

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
№DSc.03/30.12.2019.I.03.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**УДК:355.241.21:004**

**САЛОМОВА САРВИНОЗ САЛИМОВНА**

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ПЛАТФОРМА  
АСОСИДА САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
(“Оҳангаронцемент” АЖ мисолида)**

**08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (PhD)  
философии по экономическим наукам**

**Content of the Doctoral (PhD) dissertation abstract**

**Саломова Сарвиноз Салимовна**

Саноат корхоналарини интеллектуал платформа асосида самарали  
ривожлантириш (“Охангаронцемент” АЖ мисолида)..... 3

**Саломова Сарвиноз Салимовна**

“Эффективное развитие промышленных предприятий на основе  
интеллектуальной платформы (на примере АО “Ахангаранцемент”). 29

**Salomova Sarvinoz Salimovna**

Effective development of industrial enterprises on the base of intellectual  
platform(On the example of JSC “Akhangarantsement” )..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
№DSc.03/30.12.2019.I.03.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЛОМОВА САРВИНОЗ САЛИМОВНА**

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ПЛАТФОРМА  
АСОСИДА САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
("Оҳангаронцемент" АЖ мисолида)**

**08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

Иқтисодиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссиясида В2020.4.PhD/Ўқ645 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида bajarилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий  
кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdta.uz](http://www.tdta.uz)) ва "ZiyoNet" ахборот таълим порталда  
([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Ибрагимова Саодат Абдумуминовна иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Расмий оponentлар:	Бурханов Ақтам Усмонович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  Маҳкамов Бахтиёр Шухратович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент архитектура қурилиш институти


Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий  
даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.1.03.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил  
"15" ФЕВРАЛЬ соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100095,  
Тошкент шаҳри, Университет кучаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-  
32. E-mail: [tsu\\_info@tdta.uz](mailto:tsu_info@tdta.uz)).


Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс  
марказида танишшиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 1000,  
Тошкент шаҳри, Университет кучаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-  
32. E-mail: : [tsu\\_info@tdta.uz](mailto:tsu_info@tdta.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил "17" АВГУСТ куни тарқатилди.  
(2021 йил "\_\_\_\_" \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



  
Н.М.Махмудов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор

  
Г.Ж.Аллаева  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, иқтисодиёт фанлари буйича  
фалсафа доктори, (PhD), доцент

  
М.А.Махкамова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошиқдаги илмий сўйинар раиси, иқтисодиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)**

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Бугун жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, давлатлар иқтисодий ўсишининг манбаи сифатида интеллектуал технологиялар, инновацион маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш ҳисобланмоқда. Бу борадаги ислохотларни Ҳиндистон 40-50 йил аввал бошлаган ва 2019 йилда бу соҳадан олинган даромад 159 млрд. долларини ташкил этган<sup>1</sup>. Ушбу соҳага Жанубий Корея, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Финляндия каби мамлакатлар тажрибасида бошқаларга нисбатан 2 марта кўп сармоя сарфланиб, асосан, саноатда зарур қурилмалар, дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологиялари маҳсулотлари ва интеллектуал хизматларини ишлаб чиқариш ва уларни тармоқларга самарали қўллашга йўналтирилган. Жаҳон банкининг 2020 йилдаги тадқиқотларига мувофиқ, иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг аксарияти ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасига ахборот ва интеллектуал платформа технологияларини қўллаш, интернет-фойдаланувчилар сонини (2017 йилга нисбатан) 15 %га ошириш орқали мамлакат ЯИМни 3-3,9%, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларни эса 7,2 % оширишга эришган<sup>2</sup>.

Бугунги кунда жаҳон мамлакатлари саноатида интеллектуал платформа технологияларини яратиш, ишлаб чиқариш ҳамда миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларини улар асосида самарали ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада интеллектуал платформа, рақамли ишлаб чиқариш, дастурлаштириш ва “Саноат 4,0” жараёнларини ташкил этиш асосида саноатда рақамли технологияларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш, ушбу технологиялар бозорини мақсадли ривожлантириш ҳамда ушбу фаолият янгиликларини молиялаштириш механизминини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар муҳим ўрин тутмоқда. Таъкидлаш керакки, илмий изланишларда замонавий саноат тармоқларини ривожлантиришда рақамли ва дастурий маҳсулотларни, интеллектуал платформа технологияларини самарали қўллаш устувор мавзулар сифатида қаралмоқда.

Янги Ўзбекистон иқтисодиётини рақамлаштириш шароитида тармоқлар ва соҳаларни контент ва интеллектуал платформаларни қўллаш асосида босқичма-босқич ривожлантириш ва инфратузилмасини яратиш бўйича бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2019 йилда республикада рақамлаштириш соҳасидаги инвестициялар 465,0 млн. доллар ва ишлаб чиқарилган дастурий маҳсулотлар 5857 тани ташкил қилган. 2019 йилда республикамиз ЯИМнинг 3,2%га яқини рақамли ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳиссасига тўғри келган. Иқтисодиётимизнинг мазкур тармоғи жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганига қарамай,

<sup>1</sup> <http://www.nasscom.in/indian-itbpo-industry> - Ҳиндистоннинг АКТ бўйича агентлиги веб-сайти.

<sup>2</sup> Minges M. Exploring the relationship between broadband and economic growth. WDR. 2015.

мамлакатимиз бу борада дастлабки босқичда тургани, интеллектуал технологияларининг янги турларини ривожланиши, уларни иқтисодийнинг турли ишлаб чиқариш тармоқларига жорий этилиши зарурати, саноат тармоқларида улардан етарлича фойдаланилмаётганлиги муаммо бўлиб қолмоқда. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “...иқтисодий, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида АКТни жорий этиш”<sup>3</sup> бўйича устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг самарали ҳал этилиши интеллектуал технологияларнинг инновацион турларини яратиш ва ушбу бизнесни ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Ўзбекистонда рақамли иқтисодий шакллантиришнинг ҳозирги босқичида саноат тармоқларида “смарт” ва интеллектуал платформаларни қўллаш тармоқлар рақобатдошлигини оширишнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда. Шу жиҳатдан, миллий иқтисодийнинг саноат тармоқларида интеллектуал платформа контентлари ва рақамлашган on-line платформаларини ташкил этиш ва ривожлантириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, бунда рақамли иқтисодий ривожлантириш концепциясига нисбатан илмий ёндашувларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сонли “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли “Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832 сонли қарори, ҳамда 2020 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6119 сонли фармонларида белгиланган вазифаларни, шунингдек бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сон Фармони.//Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳалқаро тажрибада саноат корхоналари фаолиятини интеллектуал ахборот-коммуникация технологияларини самарали қўллаш асосида ривожлантиришнинг турли жиҳатлари Хувел М. Девис; Али Хошим, Билл Алан, Эдуардо Талеро, Десай П. Жем Денер, Эбенезер Лейзер, Реимо Суоми, Эмилия Гомбаз<sup>4</sup> каби хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан чуқур тадқиқ этилган.

Саноат корхоналарида инновацион ва интеллектуал платформа технологияларини қўллаш асосида ривожлантириш муаммоларига оид масалалар МДҲ давлатлари олимларидан: К.В. Балдин, В.Б. Булгак, Л.Е. Варакин, М.А. Быховский, Л.П. Гончаренко, М.А. Горелик, Е.А. Голубицкая, Г.М. Жигульская, Э.Н.Кроливецкий, Т.А.Кузовкова, Н.П. Резникова, В.М.Шепелев, Д.А.Кокурин ва бошқа олимларнинг илмий ишларида кенг ёритилган<sup>5</sup>.

Мамлакатимизда миллий иқтисодийнинг саноат тармоқлари ва хизматлари соҳаларида интеллектуал платформа ва ахборот коммуникация технологияларини самарали қўллаш, бошқаруви ва рақамлаштириш масалалари А.Н.Арипов, Б.А.Бегалов, А.Ш.Бекмуродов, Т.К.Иминов, Н.А.Иминова, А.Т.Кенжабаев, Б.Ш.Махкамов, Н.М.Махмудов, М.А.Махкамова, Ш.И.Отажонов, Т.З.Тешабаев, Г.Б.Шоназарова, Г.А.Хамдамова, О.И.Шибаршова<sup>6</sup> ва бошқа бир қатор олимлар томонидан атрофлича ўрганилган.

---

<sup>4</sup> Hywel M. Davies; Ali Hashim, Eduardo Talero «Information systems strategies for Public Financial Management», World Bank, 1993, Ali Hashim, Bill Allan Treasury reference model», World Bank & IMF, March 2001; Десай П. Введение ЕКС в странах с переходной экономикой: МВФ, 1996г.; Dener Cem, Min, Saw Young. 2013. Financial Management Information Sidtems and Open Budjet Data: Do Government Report on Where the Money Goes? Washington DC: World Bank, Ebenezer G.Laizer, Reima Suomi. Evaluation of Integrated Financial Management Information Sistem (IFMIS) in Malavi.2017. Proceedings of the 11<sup>th</sup> European Conference on Information Sistem Management. ISBN:978-1-911218-52-4, Combaz Emilie, Implementing Integrated Financial Management Information Sidtems (GSDRC Helpdesk Research Report, 1229). Birmingham, UK: GSDRC, University of Birmingham.

<sup>5</sup> Балдин К.В. Управление рисками в инновационно-инвестиционной деятельности предприятия. – М.: ИТК «Дашков и К», 2009. – 420 с.; К.В.Балдин, С.Н.Воробьев, В.Б.Уткин. Управленческие решения. 7е изд. – М.: ИТК «Дашков и К», 2012. – 496 с.; Быховский М.А. Развитие телекоммуникаций. На пути к информационному обществу. История телеграфа, телефона и радио до начала XX века. – М.: Либроком, 2010. – 344 с.; Гончаренко Л. П. Инновационный менеджмент. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2014. – 640 с., Горелик М.А., Голубицкая Е.А. Основы экономики телекоммуникаций (связи). – М.: Радио и связь, 1997. – 224 с.; Голубицкая Е.А., Кухаренко Е.Г.. Основы маркетинга в телекоммуникациях. – М.: Радио и связь, 2005. – 320 с.; Жигульская Г.М., Авдашева С.Б., Голубицкая Е.А. Российские телекоммуникации: условия и перспективы развития конкуренции. Бюро экономического анализа. – М.: ТЕИС, 2003. – 216 с.; Кроливецкий Э.Н. Целевая ориентация стратегического управления на достижение экономических результатов в сфере услуг // Экономическое возрождение России № 1 (27) 2011. - С. 51; Кузовкова Т.А. Экономические аспекты конвергентного развития инфокоммуникаций // Электросвязь, № 2, 2009 – С. 16-19; Резникова Н.П. Маркетинг в телекоммуникациях. М.: Эко-Тренз, 2002. -336 с. Шепелев В.М., Д.А.Кокурин. Развитие инновационного предпринимательства. Монография., М.: НАУКА, 2002. -365 С.

<sup>6</sup> Арипов А.Н. Ахборот коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. ЎзРПХДЖҚА, 2004.; Бегалов Б.А. Ахборот комуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2001.; Бекмуродов А.Ш., Шамшиева Н.Н. Телекоммуникация компаниялари маркетинг стратегиялари (Ўзбекистон уяли алоқа компаниялари мисолида). – Тошкент.: Иқтисодий, 2008. – 49 б.; Иминов Т.К., Арипов А.Н. Ўзбекистон ахборот-

Уюқоридаги илмий тадқиқотларда рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида республикамиз саноат тармоқларида интеллектуал платформани қўллаш асосида самарали ривожлантириш масалалари алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Иккинчи томондан, тадқиқ этилаётган ишда республикамиз саноати корхоналарида рақамлаштириш жараёнининг ҳозирги ривожланиш хусусиятлари ва интеллектуал платформа технологияларини қўллаш имкониятлари инобатга олинмаган бўлиб, бу эса танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади ҳамда унда ҳал этиладиган масалалар доирасини белгилашга кенг имкониятлар яратиб беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170926232 “Фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеллектуал ҳамкорликни шакллантириш ва қўллаш” мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** “Оҳангаронцемент” акциядорлик жамияти фаолиятини интеллектуал платформани қўллаш асосида самарали ривожлантириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазибалари:**

рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида саноат корхоналари фаолиятини интеллектуал платформа асосида модернизациялаш ва ривожлантиришнинг ўзаро алоқасини илмий асослаш;

технологик модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини интеллектуал платформа асосида самарали ривожланишига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларнинг асосий жиҳатларини тадқиқ қилиш;

---

коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2005. – 300 б.;  
Н.А.Иминова. Алоқа соҳасида рискларни бошқариш. Монография, Т.: Алоқачи. 2012. – 178б.; Кенжабаев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари. икт.фан.док. Дис. Т.: ТДИУ, 2005. – 321 б.; Б.Ш.Махкамов. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида уяли алоқа хизматларини самарали ривожлантириш. И.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. СамИСИ, 2016.; Махмудов Н.М. Иқтисодий ўсишни жадаллаштиришда қайта ишловчи саноатнинг роли: эмпирик таҳлил//Илм-фан ва инновацион ривожлантириш. Т.: 2018. -№3.-30-36-б.; Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон. Т.: Ўзбекистон. 1991.-50 б.; М.А.Махкамова. Формирование организационно-экономического механизма эффективного управления инновационной деятельностью на предприятиях машиностроительного комплекса Республики Узбекистан. И.ф.д.дисс.-Т.: 2004. Бекмуродов А.Б., Мусалиев А.А. Информационный бизнес. Учебное пособие. – Т.: ТГЭУ, 2006. – 288 с. Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш., дисс. и.ф.д., Т.: 2018й.; Тешабаев Т.З. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида бошқаришни такомиллаштириш. И.ф.д.дисс.автореферати.Т.: 2019. Шоназарова Г.Б. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмларини такомиллаштириш., ф.д.дисс., Т.: 2018й.; Хамдамова Г.А., Шибаршова О.И. Развитие маркетинговой деятельности информационно-коммуникационных технологий. Уч.пособие, Т.: Алоқачи., 2007.



ривожланган давлатлар иқтисодиётида ишлаб чиқаришни интеллектуал платформа асосида ташкил этишнинг хорижий тажрибаларини ўрганиш асосида илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

“Оҳангаронцемент” акциядорлик жамияти корхоналари фаолиятида интеллектуал платформани ташкил этиш ва уни асосида самарали ривожланиш йўллари аниқлаш;

глобаллашув шароитида саноат корхоналарини барқарор ривожлантириш жараёнларида инновацион ва интеллектуал платформа технологияларидан фойдаланиш хусусиятларини аниқлаш;

технологик модернизациялаш шароитида саноат корхоналари фаолиятини ишлаб чиқаришни рақамлаштириш асосида ташкил этиш орқали самарали ривожлантиришнинг мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

саноат корхоналарида интеллектуал платформа технологияларини самарали қўллаш асосида ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизминини такомиллаштириш;

интеллектуал платформани ривожлантириш ва инновацион технологияларни самарали қўллаш асосида “Оҳангаронцемент” акциядорлик жамияти ва унга қарашли бўлган корхоналар самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** миллий иқтисодиётнинг цемент ишлаб чиқариш саноатининг етакчи “Оҳангаронцемент” акциядорлик жамияти ва унга қарашли бўлган саноат корхоналарини интеллектуал платформани яратиш асосида самарали ривожланишининг ташкилий жиҳатлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб саноат корхоналарида интеллектуал платформаларни қўллаш асосида инновацион технологияларидан самарали фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатларнинг ўзаро йиғиндисидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий, мантиқий таҳлил, тизимли таҳлил, регрессия, эвристик ва эксперт баҳолаш, статистик гуруҳлаш, синтез, корреляция илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, иқтисодий-математик моделлаштириш, гуруҳлаш, тизимлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сифатли цемент ишлаб чиқаришда интеллектуал платформа технологияларини қўллаш асосида сув ва цементнинг доимий муносабатини белгиловчи полифракциявий стандарт кумдан фойдаланишни дастурлаштириш ва рақамлаштиришга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар тизимлаштирилди;

корхонада нормаланган клинкерли портландцемент ишлаб чиқариш жараёнини ягона контент орқали бошқаришни ташкил этиш асосида интеллектуал платформа технологиялари хизматларидан фойдаланиш ва бизнес жараёнларни амалга оширишни самарали ривожлантиришнинг истиқбол кўрсаткичлари асосланди;

минерал қўшимчаларга эга бўлган портландцемент ва пуццолан портландцемент ишлаб чиқаришни дастурлаш ва автоматлаштириш жараёни орқали корхона бўлим ва цехлари орасидаги автоматлаштирилган интеграцияни таъминлашда интеллектуал платформа технологияларини қўллашнинг муаммо ва ечимлари орасидаги алоқадорлик тизими такомиллаштирилди;

“Оҳангаронцемент” акциядорлик жамиятида сульфатга чидамли бўлган цементни юклаш ва қадоқлашда интеллектуал платформа инфратузилмаси асосида рақамли инновацион технологиялар қўллашни самарали ташкил этиш модели ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

диссертация ишида цемент ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнига интеллектуал платформа технологияларини қўллаш орқали портландцемент ва пуццолан портландцемент ишлаб чиқаришни дастурлаш ва автоматлаштириш жараёнини ташкил этишда бир қанча янги хизмат турлари юзага келиши асосланди;

тадқиқотлар натижасида саноат корхонасини ишлаб чиқариш жараёнида ва бозорда мавжуд хизматларга нисбатан анча такомиллаштирилган (бунга технологик жараёнларни дастурлаштириш орқали қатор анъанавий ишлаб чиқариш жараёнларни ўрнини эгаллаш, инсон омилини камайтириш, қўшимча функциялар ва умуман янги техник асосли) рақамли ишлаб чиқариш жараёнлари ва интеллектуал платформа асосида самарали ривожлантириш тенденциялари асосланди;

аниқланган муаммоларни ҳал қилишда муаллиф томонидан “Оҳангаронцемент” акциядорлик жамиятида интеллектуал платформа технологиялари асосида ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш ва маҳсулот турини диверсификациялаш учун узоқ муддатли истиқболда устувор вазифалар бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди;

-ишда корхона фаолиятига интеллектуал платформа технологияларини жорий этишнинг таъсирини вақт, унга киритилган инвестиция, бошқарув ва бошқа харажатларни камайтириш каби омиллар асосида баҳолаш усули такомиллаштирилган бўлиб, у кўп жиҳатдан, интеллектуаллаштирилган саноат бизнесини ривожланиш жараёнларини ўрганишга замин яратади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва “Оҳангаронцемент” акциядорлик жамиятининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган услубий таклифлар, илмий асосланган тавсия ва хулосалар саноат корхоналари фаолиятини рақамли контентлар ва интеллектуал платформа технологиялари

асосида самарали ривожлантириш ва контент яратиш тизимини такомиллаштириш, улардан ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари асосларини такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республика саноат корхоналарида интеллектуал платформа технологияларини қўллаш асосида ҳамда республикада рақамлаштириш жараёнини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурий ҳужжатларда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда республика цемент материаллари саноатини самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Саноат корхоналари фаолиятини интеллектуал платформа технологияларини қўллаш асосида самарали ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий ва амалий таклифлар асосида:

сифатли цемент ишлаб чиқаришда интеллектуал платформа технологияларини қўллаш асосида сув ва цементнинг доимий муносабатини белгиловчи полифракциявий стандарт қумдан фойдаланишни дастурлаштириш ва рақамлаштиришга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни тизимлаштириш бўйича таклифлар “Оҳангаронцемент” АЖ фаолиятига 2020 йил 12 сентябрь 37-сонли буйруғи билан жорий қилинган (“Оҳангаронцемент” АЖнинг 2021 йил 10 августдаги 1/АСЦ-838/21-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларни амалиётга жорий қилиш натижасида “Оҳангаронцемент” АЖ фаолиятига 2020 йилда рақамли дастурий маҳсулотни қўллаш орқали ишлаб чиқарилаётган цемент сифати яхшиланди ва тарированный (кадоқланган) маҳсулот упаковкиси (қоп куриниши) янгиланди ва ишлаб чиқариш ҳажми 8,1%га ошди;

корхонада нормаланган клинкерли портландцемент ишлаб чиқариш жараёнини ягона контент орқали бошқаришни ташкил этиш асосида ишлаб чиқилган интеллектуал платформа технологиялари хизматларидан фойдаланиш ва бизнес жараёнларни амалга оширишни самарали ривожлантиришнинг истиқбол кўрсаткичлари “Оҳангаронцемент” АЖ фаолиятига жорий қилинган (“Оҳангаронцемент” АЖнинг 2021 йил 10 августдаги 1/АСЦ-838/21-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларни амалиётга жорий қилиш натижасида “Оҳангаронцемент” АЖда инновацион технологияларини самарали қўллаш механизми шаклланди. Натижада корхонада ходимларни илмий фаолиятга йуналтириш, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ва қулай инновацион муҳитни яратиш имкони ортди;

минерал қўшимчаларга эга бўлган портландцемент ва пуццолан портландцемент ишлаб чиқаришни дастурлаш ва автоматлаштириш жараёни орқали корхона бўлим ва цехлари орасидаги автоматлаштирилган

интеграцияни таъминлашда такомиллаштирилган интеллектуал платформа технологияларини қўллашнинг муаммо ва ечимлари орасидаги алоқадорлик тизими “Оҳангаронцемент” АЖ фаолиятига жорий қилинган. Ушбу таклифларни қўллаш натижасида цемент майдалаш цехида минерал қўшимчаларсиз цемент ишлаб чиқариш ҳажми 3,7%га ошди. Корхона бунинг натижасида 2020 йилнинг ўзида 114,0 миллион сўм самара олди;

“Оҳангаронцемент” акциядорлик жамиятида сульфатга чидамли бўлган цемент юклаш ва қадоқлашда интеллектуал платформа инфратузилмаси асосида рақамли инновацион технологиялар қўллашнинг самарали ташкил этиш модели ишлаб чиқилди ва “Оҳангаронцемент” АЖ фаолиятига жорий қилинди (“Оҳангаронцемент” АЖнинг 2021 йил 10 августдаги 1/АСЦ-838/21-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларни қўллаш натижасида корхонада 400 маркали сульфатга чидамли портландцементни ишлаб чиқариш ҳажми 5.1% га ошди, ҳамда 5% дан 20% гача композит қўшимчаларга эга бўлган 400 маркали портландцементни юклаш ва қадоқлашда қўлланган рақамли технологиялар асосида “Оҳангаронцемент” корхонасининг иқтисодий самарадорлиги 9,7% ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 5 та республика ва 11 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан, 3 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибий қисми кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида саноат корхоналари фаолиятини интеллектуал платформа асосида ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланиб, унда рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида саноат корхоналарида интеллектуал платформа технологияларини самарали қўллаш, ишлаб чиқариш жараёнини рақамлаштириш ва дастурлаштиришни жадаллаштириш ва ривожлантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари, саноат корхоналарида интеллектуал технологияларни

самарали қўллашга таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг таснифи, саноат корхоналарида интеллектуал платформани яратиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари тадқиқ этилган.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида интеллектуал платформа асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш нафақат алоҳида иқтисодий субъектнинг, балки бутун бир тизимнинг ҳам ривожланишини таъминловчи асосий ўсиш манбаи ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарни инновацион технологиялар асосида диверсификация қилиш уларнинг даромад манбалари ва фойда олиш имкониятларини мустаҳкамлайди, балки мамлакатимизнинг жаҳон бозорида янги марраларга чиқишига муҳим асос яратиб беради. Хусусан, саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнларини компьютерлаштириш, роботлаштириш ва пировард натижада рақамлаштирилиши даромадни ошириш манбаларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида саноат тармоқлари ва барча соҳаларда янги ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали янги ишлаб чиқариш турини ташкил этиш ва мавжуд ишлаб чиқариш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали иқтисодий ва ижтимоий самара олишга туртки бўлади.

Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан саноат корхоналари ишлаб чиқариш жараёнига АКТларни қўллаш орқали рақамли ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда бир қанча янги хизмат турлари юзага келиши асосланди:

- сифат жиҳатдан умуман янги мантиқий ташкил этилган ишлаб чиқариш (хизмат) тури;
- корхона ишлаб чиқариш жараёнида ва бозорда мавжуд хизматларга нисбатан анчагина такомиллаштирилган смарт хизматлар тури;
- маҳсулот ишлаб чиқаришда баъзи мантиқий ва рақамли такомиллаштиришларга эга янги хизмат;
- ишлаб чиқариш жараёнларида бозор сегментларида таклиф этилиб, рақамли ишлаб чиқаришни таъминловчи кенг тизимли ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида кириб келган хизматлар.

Корхона ишлаб чиқариш жараёнини янгича асосда шакллантирадиган хизмат турларидан бири интеллектуал платформа хизматлари ҳисобланади. Интеллектуал платформа бу тармоқ устидаги дастурий аппарат “устқурма” бўлиб, у ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш, роботлаштириш ва ниҳоят рақамлаштириш орқали диверсификациялаш, талабларга мослаштириш ва янги ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш учун интеллектуал технологиялар қўлланишни таъминлайди<sup>7</sup>.

Ишда хорижий ва маҳаллий олимларнинг интеллектуал платформа тушунчасига берган таърифлари ва илмий ёндашувлари татқиқ этилди. Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан интеллектуал платформа – бу

<sup>7</sup> Амиров Д.М. ва бошқалар. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати, Тошкент, 2010.5756.

мантиқий кетма-кетликда бажариладиган рақамлаштириш ёки роботлаштириш орқали дастурий таъминот асосида ишлаб чиқариш жараёни инфратузилмасини ташкил этиш, деган янгича таъриф ишлаб чиқилди. Демак, интеллектуал платформа асосида ташкил этилган ишлаб чиқариш жараёни анъанавий ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан такомиллаштирилган, автоматлаштирилган, роботлаштирилган, ниҳоят рақамлаштирилган қўшимча қулайликларга эга инфратузилма асосида ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади. Бизнингча, интеллектуал платформа хизматлари АКТ хизматларидан тубдан фарқ қилади деган фикр нотўғри бўлар эди. Аксинча, интеллектуал платформа бу АКТ хизматларини ривожланиши натижасида Интернет технологиялар, дастурий ва рақамли технологиялар ривожланиши ва унинг давоми сифатида ишлаб чиқаришни рақамлаштиришнинг пировард натижаси деб ҳисоблаймиз. Интеллектуал платформа ишлаб чиқариш жараёнини интеллектуал рақамли бошқаришнинг бир бўлаги - асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниши ҳамда шу бўйича “Йул харитаси” ишлаб чиқилгани ҳам республика миллий иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида рақамлаштириш, интеллектуал платформалар яратиш ва АКТни кенг қўллаш бўйича устувор йўналишлар асосида ривожланишини назарда тутди. Келаси беш йил ичида рақамли иқтисодиётга ўтиш вазифаси катъий мақсад сифатида белгилаб қўйилди.

Бизнингча, ахборотлашган жамиятни рақамлашган жамият сари шаклланишида ишлаб чиқаришни интеллектуал хизматларга эволюцион ўтиш жараёни шартли равишда уч босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда саноат корхоналари АКТ хизматларига<sup>8</sup> эҳтиёж сезган. Бу даврда асосий хизмат автоматлашган маълумот узатиш, ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлашган йўналишлари ривожлантирилган (1-расм).

Жамият ривожланган сари ишлаб чиқариш жараёнларида ахборот-коммуникация технологиялар турини кўпайиши натижасида саноатнинг автоматлашувига бўлган талаб кучая бошлади ва ишлаб чиқаришда замонавий технологияларга мухтожлик сезилди. Натижада АКТ тизимларини автоматлаштириш жараёни амалга оширилди. Тизим ва тармоқларни компьютерлаштириш ва роботлаштириш орқали кенг полосали мухитга ўтилди, яъни жамият эндиликда нафақат хизматлар, балки дастурлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнини ҳам амалга ошириш заруратини англади.

Иккинчи босқичда ишлаб чиқариш жараёнини дастурлаштириш учун дастурий таъминот асосидаги мантиқий интеллектуал платформалардан фойдаланилди. Интеллектуаллашув АКТ турларини кўпайиши, сифатини ошиши, рақамлаштириш даражаси, платформа даражаси, тармоқ даражаси

---

<sup>8</sup> Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами.Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008 й., 464б.

каби омилларга боғлиқ бўла бошлади. Иқтисодиётнинг саноат тармоқларида ҳам интеллектуал платформалар технологияларини ривожланиши, ва ниҳоят роботлашган ишлаб чиқариш ва дастурий хизматларнинг қўшилиши интеллектуал хизматлар конвергенциясига олиб келди.



**1-расм. Ишлаб чиқариш жараёни ва интеллектуал платформа хизматларининг конвергенцияси<sup>9</sup>**

Сўнги босқичда эса глобаллашув натижасида ахборотлашган жамиятни рақамли иқтисодиётга ўтишини кузатиш мумкин. Унда жамият кенг поласали интернет хизматлари, дастурий таъминот, интеллектуал платформа технологиялари билан ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш. қўшмача рақамлаштирилган хизмат турлари, ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида интеллектуал тармоқ хизматларидан фойдаланади. Бундай муҳитда саноатда ишлаб чиқариш жараёни интеллектуал платформа технологиялари асосида амалга оширилиб, уларни ривожланиши ишлаб чиқаришда алоҳида интеллектуал хизматлар бозорини шаклланиши ва ривожланишига олиб келади. Тадқиқот ишида муаллиф томонидан саноат

<sup>9</sup> Муаллиф ишланмаси.

корхоналари фаолиятида бу жараёнга таъсир этувчи омиллар тизимлаштирилди (2-расм).



**2-расм. Интеллектуал платформа технологиялари ўсишига таъсир этувчи омиллар<sup>10</sup>**

Саноатда интеллектуал платформа технологиялари бозорини ривожланишига таъсир этувчи 3 та асосий омил бўлиб, улар ўз навбатида яна бир қанча қисмларга бўлинади. Бу технологиялар ривожланишига таъсир этувчи биринчи омил бу - молиялаштирилганлик омилidir. Молиялаштириш омили хизматларни ташкиллаштириш учун лозим бўладиган харажатларни тез орада қопланиши, бизнес хажмининг кенгайиши сабабли, харажатларнинг камайиши каби кўрсаткичлардан иборатдир.

Ишлаб чиқаришда интеллектуал платформа технологиялари ривожланишига таъсир этувчи иккинчи омил - хизматлар бозори хажмининг ортишидир. Жамиятни рақамли иқтисодиётга интилиши интеллектуал хизматлар бозорини автоматик равишда кенгайишига олиб келади. Бу ўз навбатида мазкур платформа хизматлари бошқа турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини ва айрим хизматларнинг ажралмас қисмига айланади.

Иқтисодиётнинг реал секторларида интеллектуал платформа технологиялари ривожланишига таъсир этувчи учинчи омил - технологик ривожланишдир. Технологик ривожланиш жараёни интеллектуал хизматларни қўлланиш доирасини (рақамлаштириш асосида) кенгайиши, ахборотларни глобаллашуви натижасида ишлаб чиқариш жараёнларини ҳам


<sup>10</sup> Муаллиф ишланмаси



интеллектуал бошқара оладиган янги замонавий технологияларни жорий этилиши каби қисмлардан ташкил топади.

Диссертациянинг “Оҳангаронцемент” акциядорлик жамиятининг интеллектуал платформа асосида самарали ривожлантиришнинг замонавий ҳолати” деб номланган иккинчи бобида саноат корхоналарида, хусусан “Оҳангаронцемент” акциядорлик жамиятида инновацион ва рақамли технологияларини қўллаш асосида цемент ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш, бетон ва темир-бетон маҳсулотлари ва ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг услубий жиҳатлари ўрганилган, ишлаб чиқариш жараёнининг барча интеллектуал платформа хизматларини ташкил этиш ривожланишнинг муҳим омили сифатида баҳоланган ва ундан фойдаланиш бўйича хорижий тажрибалар таҳлил қилинган.

Жаҳон олимларининг фикрича, рақамли иқтисодиёт технологияларини турли соҳаларда кенг қўллаш замонавий ишлаб чиқариш характерини ўзгаришига, меҳнат унумдорлигининг ошишига, қулайлик ва имкониятларнинг кенгайишига, маҳсулот ва хизматлар сифатининг ошишига, маркетинг хизматларини ривожланишига ва иқтисодиётнинг ўсишига олиб келади.



**3-расм. Дастурий ва рақамли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи жаҳондаги энг йирик 100 та компаниянинг географик жойлашуви<sup>11</sup>**

Тадқиқотларимиз кўрсатадики, АКТ ва рақамли технологиялар бизнесининг ривожланиши кўп жиҳатдан иқтисодий ривожланиш ва ўсишни таъминлаб беради. Шунинг учун ҳам дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари интеллектуал технологиялар бизнесини ривожлантириш, янги турларини яратишга интилоқдалар. Шунини таъкидлаш керакки, жаҳондаги энг йирик ва энг сердаромад дастурий ва рақамли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи компаниялар АҚШда жойлашган, “Топ 100

<sup>11</sup> Манба: International Data Corp. <https://www.pwc.com/gx/en/industries/technology/publications/global-100-software-leaders/explore-the-data.html>

Research Foundation” компанияси томонидан 2019 йилда эълон қилинган жаҳондаги дастурий ва рақамли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи энг йирик 100та компаниянинг 65таси ҳам у ерда жойлашган. Компаниялар сони бўйича Япония ва Франция иккинчи ва учинчи ўринлардан жой эгаллашган. Дастурий маҳсулотлар, рақамлаштирилган технологиялар ва улар билан боғлиқ хизматлар экспортининг ҳажми бўйича жаҳон бозорида Ҳиндистон бир неча йилдирки, биринчиликни кўлдан бермай келмоқда. Бу борада Ирландия ва Хитой мос равишда иккинчи ва учинчи ўринлардан жой эгаллаган (3-расм)<sup>12</sup>.

“Оҳангаронцемент” акциядорлик жамияти - Ўзбекистон Республикаси цемент ишлаб чиқариш саноатининг етакчи корхоналаридан бири ҳисобланади. Корхонанинг цемент ишлаб чиқариш бўйича лойиҳавий қуввати – йилига 2 180 000 тоннани ташкил этади. Унинг таркибига кенг ассортиментдаги темир-бетон конструкциялари ва бетон қоришмаларини ишлаб чиқарадиган Қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати ҳам киради. “Оҳангаронцемент” акциядорлик жамиятининг асосий фаолият турларига цемент ишлаб чиқариш ва сотиш, бетон ва темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш, ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқариш, фойдали қазилмаларни геологик қидириш ва улардан фойдаланиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва тоғ-кон ишлари чиқиндиларини қайта ишлаш, транспорт хизмати кўрсатиш, автомобил ва темир йўл транспортида юк ортиш ва тушириш ишлари, улгуржи савдо-сотиқ ва ташқи иқтисодий фаолият ва бошқалар киради(1-жадвал). Корхонада 2004-йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти сифатида ГОСТ 10178-85 билан бир қаторда ГОСТ 31108-2003 асосида сифатли цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

## 1-жадвал

### “Оҳангаронцемент” корхонасининг иқтисодий кўрсаткичлари (минг сўмда)<sup>13</sup>


	2012й.	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Цемент ишлаб чиқариш ҳажми	1533700	1620131	1700501	1771000	1863000,0	1875000,0	1623970,0	1885669,0
Иш хақи фонди (минг.сўм)	11611960,5	14514950,7	19366534,4	20740904	22522117,9	26362788,3	30621488,5	47014466,5
Сарф қилинган электр энергия (минг.кВ)	202672	204829	207663	213200,0	211519,0	203851,0	173098,0	194252,0
Сарф қилинган табиий газ (минг.кв <sup>3</sup> )	244797	263864	265906	266543,0	275910,0	269922,0	239031,0	265934,0
Асосий ишчилар сони	1201,0	1217,0	1211,0	1223,0	1193,0	1194,0	1124,0	1184,0
Ёрдамчи қа кўшимча ишчилар сони	59,0	63,0	61,0	55,0	58,0	56,0	52,0	54,0
Технологиялар ни янгилаш даражаси (минг.сўм)	1090000,0	1370000,0	1650000,0	-	4419210,0	2090000,0	10000000,0	11000000,0

<sup>12</sup> «Индустрия экспорта программного обеспечения в Узбекистане 2018», -Т., ПРООН «Проект ICTP», 2018 г.

<sup>13</sup> “Оҳангаронцемент” АЖнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

“Оҳангаронцемент” акциядорлик жамиятида замонавий ва ҳалқаро стандартларга жавоб берувчи цемент ва бошқа қурилиш материалларини юқори сифатда ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида 2017-2025 йилларга мўлжалланган инвестицион дастур қабул қилинган. Мазкур модернизациялаш дастурни амалга оширишдан мақсад корхона фаолиятини янги “қурук” усулда цемент ишлаб чиқаришга ўтишини таъминлаш бўлиб, унга эришишда интеллектуал платформа яратиш орқали ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида АКТ ва дастурий технологияларни қўллаш назарда тутилган.

Бугунги кунда жамиятнинг ишлаб чиқариш жараёнларининг АКТ ва рақамли технологиялар билан қуролланганлик ҳолати талабга жавоб бермайди (1-диаграмма).



**1-диаграмма. “Оҳангаронцемент” АКТ ва рақамли технологиялар билан қуролланганлик ҳолати(%)<sup>14</sup>**

Тадқиқотда муаллиф томонидан “Оҳангаронцемент” АЖда интеллектуал платформани қўллаш ва ривожлантириш жараёнининг қуйидаги босқичлари ишлаб чиқилди:

1-босқич-автоматлаштириш – цемент ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳозлаш жараёни самарали ресурс тежами юқори бўлган тоғ-кон ва автотранспорт техникаси паркига “Chetra” технологияси, “Doosan” фронтал юк ташувчи машиналари, “Hitaashi” грейдерлари қўллаш орқали автоматлаштирилди.

2-босқич-роботлаштириш босқичида хомашё майдалаш бўлими фаолияти роботлаштирилган грейдер кранлари, дастурий программада ишлайдиган “Metso minerals” шлам насосини ўрнатиш, клинкер куйдириш бўлимига бта дастурлаштирилган клинкер транспортёри, 4та “Shenk” клинкер электрон тарозиси ва айланма печлардан чиқувчи газларни мониторинг қиладиган электрон газ анализаторлари ўрнатиш орқали роботлаштирилди;

<sup>14</sup> Муаллиф ишланмаси

3-боқич-рақамлаштириш (дастурлаштириш) босқичида темир йўл транспорти цехига хомашё тушириш учун электрон чорпоя крани, 6 та “Atlas Корко” компаниясининг рақамли компрессорларини қўллаш, ҳамда ишлаб чиқаришни дастурлаш ва автоматлаштириш жараёни орқали корхона бўлим ва цехлари орасидаги интеграцияни таъминлашда алоқадорлик тизими такомиллаштирилади.

Мазкур интеллектуал платформа хизматларини қўллаш натижасида қадоқлаш унумдорлигини суткасига 1400 тоннагача ошди, цемент тегирмонлари ва пневмо камерали насослар ишининг унумдорлиги ошди ва бир ишлаб чиқариш майдонида учта: хўл, ярим куруқ ва куруқ усулларда цемент ишлаб чиқаришни самарали олиб бориш жараёни йўлга қўйилди.

Ишда “Оҳангаронцемент” корхонасида интеллектуал платформани шакллантириш ва ишлаб чиқариш жараёнини рақамлаштириш босқичларида юзага келиши мумкин бўлган асосий муаммолар аниқланган (2-жадвал).

**2-жадвал**

**“Оҳангаронцемент” АЖда интеллектуал платформа технологияларини қўллаш босқичларидаги асосий муаммолар<sup>15</sup>**

<b>Тури</b>	<b>Муаммолар</b>
<b>Ташкилий</b>	АКТни қўллашда интеллектуал платформани ташкил этиш учун контент етарли эмаслиги; Ўтиш даврида интеллектуал платформани яратишнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш зарурияти; Интеллектуал платформани ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш тамойилларини белгилаб олинмиши; Интеллектуал платформа асосида ишлаб чиқаришнинг қайси босқичларини автоматлаштириш ва дастурлаштиришни аниқ белгилаб олиш; Интеллектуал платформа асосида ишлаб чиқариш жараёнини (1-босқич-автоматлаштириш, 2-босқич-роботлаштириш ва 3-боқич-дастурлаштириш) тартибга солиш тадбирларини ишлаб чиқиш; Корхонада ахборот тизимларини қайтадан ташкил этиш зарурлиги; Рақамлаштириш жараёнида малакали кадрлар етишмаслиги; Корхона кадрларини рақамли ишлаб чиқариш жараёнига тайёрлаш (малака ошириш, янги технологияларни ўзлаштириш)
<b>Моддий</b>	Катта ҳажмдаги моддий харажатлар; Ички ва хорижий инвестициялар (хомийлар); Давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг етарли даражада эмаслиги
<b>Ҳуқуқий</b>	Рақамли ишлаб чиқаришга доир меъёрий-техник ҳужжатларнинг йўқлиги; Рағбатлантириш тизимининг такомиллашмаганлиги; Рақамли корхонага ўтишда ишлаб чиқариш жараёни билан банд бўлганларни қўллаб-қувватлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг йўқлиги.
<b>Техник</b>	Услугий материаллар йўқлиги сабабли рақамли ишлаб чиқариш жараёнларини лойиҳалаштиришда вужудга келадиган қийинчиликлар; Бошқариш марказларини қўшимча ускуналар билан жиҳозлаш заруратининг мавжудлиги; Ишлаб чиқаришни махсус ускуналар билан қўшимча тарзда жиҳозлаш зарурати; Рақамли ишлаб чиқариш объектларини (цех, бўлим) лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топшириш билан боғлиқ тажриба танқислиги.

<sup>15</sup> Муаллиф ишланмаси

Аниқланган муаммоларни ҳал қилишда муаллиф томонидан “Оҳангаронцемент” акциядорлик жамиятида интеллектуал платформа асосида ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш ва маҳсулот турини диверсификациялаш учун узоқ муддатли истиқболда қўйидаги вазифаларни амалга ошириш таклифлари ишлаб чиқилди:

цемент ишлаб чиқаришни қуруқ ва ҳўл усулларда параллел ишлайдиган линияларини бошқариш жараёнини рақамли техника ва янги технологиялар билан жиҳозлаш;

